

## АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА САНЪАТНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Ачилдиева Муяссархон

Фарғона давлат университети “Санъатшунослик” факултети  
“Мусиқа таълими ва маданият” кафедраси ўқитувчиши

Аткиёева Рухшона

Фарғона давлат университети “Санъатшунослик” факултети  
“Мусиқа таълими” йўналиши 1-босқич талабаси.

### АННОТАЦИЯ

Уибу мақолада ўрта асрнинг иирик давлат арбоби, буюк туркий саркардаси, кучли, марказлашган давлат асосчиси, илм-фан ва маданият ҳомийси Амир Темурнинг санъат ва маданиятга нисбатан эътибори ҳакида фикр ва мулоҳазалар келтирилади.

**Калим сўзлар:** Мақом, ички дирижёр, меҳтар, бадиий назира, «Бадоеъ ул-вақоеъ», «Бобурнома», «Рисолаи мусиқий».

### ABSTRACT

*This article presents thoughts and comments about Amir Temur's attention to art and culture, a great statesman of the Middle Ages, a great Turkish general, the founder of a strong, centralized state, a patron of science and culture.*

**Key words:** Maqam, internal conductor, mekhtar, artistic director, "Badoe' ul-waqae", "Boburnoma", "Risolai muziky".

### КИРИШ

Ўрта асрнинг буюк саркардаси Амир Темур илм-фан ва жангворлик бобида устунлик жиҳатларини бевосита намоён қилган. Лекин, шу билан бирга у санъат ва маданиятга беэътибор бўлмаган. Темурийшунос олимларнинг таъкидлашларича айнан санъат ва маданиятнинг цивилизацияси Темурийлар даврида катта аҳамият касб этган.

Соҳибқирон Амир Темурнинг саъй-ҳаракати билан Самарқанд саройида қарор топган илғор мусиқий анъаналар унинг ворислари: -Шоҳруҳ Мирзо, Мироншоҳ, Халил Султон, Улуғбек Мирзо, Абулқосим Бобур Мирзо, Ҳусайн Бойқаро, Бойсунгур Мирзо, Султон Бадиuzzамон Мирзо, Умаршайх Мирзо, Бобур Мирзо каби Темурий хукмдорлар томонидан муносиб давом эттирилган эди.

### МУХОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Улуғ мутафаккир Низомиддин Мир Алишер Навоий даҳоси ила ўзбек мутоз адабиётига асос солинган давр (XV асрнинг иккинчи ярми)га келиб

анъанавий санъат турлари қатори мумтоз миллий мусиқа ҳайратомуз даражада юксалди. Жумладан, дастлаб Амир Соҳибқирон саройида жорий этилган ҳамда руҳий юксалишнинг бадиий тимсолига айланган Ўн икки мақом тизими кенгроқ маданий худудда амалий қўллана бошланди. Мазкур тизим заминидаги улуғвор ғоялар Лутфий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий асарларида қўлланган хос атама ва истилоҳлар воситасида тараннум этилган бўлса, маҳсус рисолаларда битилган илмий-назарий асослари бастакорлар учун ижодий манба сифатида хизмат қилган. Бу борада Мир Алишер Навоий таклифи билан ёзилган мусиқага оид илмий ишлардан, айниқса, Ҳазрат Жомийнинг “Рисолайи мусиқий” ва Зайнулобидин Ҳусайнининг “Қонуни илми ва амали мусиқий” (“Мусиқанинг илмий ва амалий қонунлари”) асарлари алоҳида муҳим ўрин тутган. Улуғ устозлар – Сафиууддин Урмавий ва Абдулқодир Марофийга муносиб издошлиқда ёзилган бу тадқиқотлар мазмунида Ўн икки мақом тизими давр талаби кесимида ишончли ёритилган эдик, шу аснода бу мумтоз санъатдан нафақат сарой мусиқачилари, балки маданий марказларда истиқомат қилувчи бошқа мусиқачилар ҳам баҳраманд бўлганлар. Бунда мусиқа таснифотчиси ушбу тизимдан ўрин олган мукаммал парда ва куй тузилмаларидан андоза олиб, уларни турли вазнданаги усувларга ижодий пайвандлаши лозим бўлган. Бадиий назиранинг мусиқадаги бир кўриниши бўлган мазкур ижодий анъана ўлароқ ҳар бир бастакорнинг истеъдод даражасини кўрсатувчи кўплаб мумтоз асарлар ижод этилган эди.

Ёзма манбаларда бу даврнинг беназир мусиқачилари – ижодкор ва ижроҷилари қаторида Устод Қулмуҳаммад Удий, Ҳожа Абдуллоҳ Садр, Устод Саййидаҳмад Фижжакий, Устод Ҳасан Удий, Устод Ҳусайнини Кучак Ноий, Ҳофиз Басир, Шайх Ноий, Ҳожа Абдулло Марварий, Дарвеш Шодий, Мир Азу, Гулом Шодий, Паҳлавон Муҳаммад Гуштигир, Мир Саид Гўянда, Ҳожа Шихобиддин, Қосимали Қонуний, Ҳожа Камолиддин Удий, Али Кармол Удий, Ҳожа Камолиддин Ҳусайн, Ҳожа Муҳаммад Марварид, Ҳожа Юсуф Бурхон, Абу Саид Муҳаммад Румий ва бошқа кўплаб намояндалар зикр этилади. Мусиқачилар вазият тақозоси билан ҳашаматли саройларда, нафис мажлисларда, хукмдорларнинг манзарали боғларида, турли тантана ва тўйтомушаларида маҳоратларини намойиш этганлар. Тадбирларда иштирок этадиган мусиқачиларнинг мартабасига яраша алоҳида ўрин-жойлари ҳам бўлган. Зайниддин Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақоеъ” асарида замонасиининг

беназир созанда-хонандалари ҳақида ажойиб ташбеҳли тавсифларни учратамиз.<sup>1</sup>

Жумладан, унда ёзилишича: “Созандалар пешвоси устод Саййидаҳмад Ғижжакий эдики, фалак Шарқ қуёшининг заррин жомини унинг ғижжаки тоси учун муносиб кўрарди; жаннат ҳурлари ғижжак камончасининг тори учун ўз анбарин соч толаларини келтиради”. Қосимали Қонуний эса “шундай созанда эдики, фалак ойи унинг қонуни торлари учун деб толасидан кумуш калавасини келтиради”. Ўша давр аксарият мусиқачилари тасаввуф таълимотидан баҳра олгани ёҳуд тариқат аҳли бўлгани ҳам эътиборлидир (бунга, жумладан, Камолиддин Беҳзод ва унинг шогирдлари томонидан тасвиrlанган миниатюралардаги мусиқачиларнинг белбоғи рамзий ишора беради). тасаввуф таълимотидан баҳра олгани ёҳуд тариқат аҳли бўлгани ҳам эътиборлидир (бунга, жумладан, Камолиддин Беҳзод ва унинг шогирдлари томонидан тасвиrlанган миниатюралардаги мусиқачиларнинг белбоғи рамзий ишора беради).

Тасаввуф таълимоти ва намояндаларининг шарофати ила мусиқа моҳиятини теран англаш, тинглов жараёнида унинг ёқимли (самоъ) нағмаларида зухур этган мутлоқ гўзаллик живалаларига руҳий важд ҳолатида боғланиш маданияти кенг ёйила бошлаган. Буни Зайниддин Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақоеъ”сида келтирилган қуйидаги ривоят мазмунидан ҳам англаш мумкин: “Нақл қилишларича Ҳожа Товус Девоннинг таъзияси куни эътиборли ва мансабдор кишилар Ҳофиз Басирдан ашула айтишни илтимос қилганлар. Ҳофиз Ҳожу Кирмонийнинг “Вафоти беҳ бувад онро, ки дар вафои ту навбат” (“Сенга вафо қилмаганларнинг ўлгани беҳроқ”) деб бошланадиган ғазалини бошлаб қуйидаги байтга етган:

*Дар оташ афканам он дил, ки дар ғами ту насўзад,*

*Ба бод бардиҳам он жон, ки дар ҳавои ту навбат...*

**Мазмуни: Ғамингда қўймаган дилни ўтга ташлайман.**

**Сен учун ёнмаган жоннинг қулини қўкка совураман.**

Айвон кунжидан бир мусиҷа парвоз қилиб, ўзини ҳофизнинг қўйнига ташлаган ва жон берган. Ўша куни қарийб қирқ киши ҳушидан кетган. Уларни мажлисдан кўтариб олиб чиқишган”. Санъаткорларга оид юқорида қайд этилган олижаноб фазилат ва сифатлар, Амир Темур обидаларга нисбатан эҳтиёткор булган. Бунга мисол тариқасида Регистон ансамблини олишимиз

1 Алишер Навоий. Асарлар. 12 т. Мажолис ун-нафоис.(Нашрга тайёрловчи ва сўнг сўз муаллифи Суйима Фаниева. Мухаррир Порсо Шамсиев).12 т., Тошкент, F.Гулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1966, 169 - 210 бетлар; Бадоеъ ул-вақоеъ. Форсийдан Наим Норқулов таржимаси. F.Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти таржимаси, ЎЗР ФА академиги Алибек Рустамий таҳрири остида. Т., 1997.). x

мумкин. Олимларининг изланишлари натижаси бутун дунёни лол этди. Сабаби шундаки, улар илк мусиқий чироқлар (светомузыка) лар айнан Амир Темур даврида пайдо булганлигини исботлашди. Яъни Регистоннинг марказида жойлашган фавворанинг ичидан рангли, нур таратувчи балиқларнинг суюклари топилган. Амир Темур сарой созандаларини тунда фаввора олдида мусиқа ижро эттирас эди. Мусиқа билан биргаликда фаввора ичидаги балиқлар ўзидан нур таратар эди. Айнан ушбу кайфият сарой хизматчиларининг бевосита маданий хордик, олишларига ёрдам берар эди. Ушбу мисол орқали Амир Темурни мусиқий-эстетик маданиятга бўлган эътиборини кучли эканлигини гувоҳи бўламиз.

Дарвиш Али Чангий ўзининг “Рисолаи мусиқий” асарида Амир Темурнинг теран мусиқий идрокини қайд этаркан, шу ўринда Абдулқодир Марофий билан боғлиқ юқорида келтирилган воқеанинг бошқа бир тафсилотини баён этади. Шунга кўра, ўлим жазосидан озод этилган, лекин шаҳар ҳудудидан ташқарида яшашга маҳкум этилган Абдулқодир Марофий Соҳибқироннинг Ироққа қайта юриши ҳақида хабарни эшитгач Амирга ўз садоқатини билдириш истагида бир шеър ёзади. “Чун мирави сўйи Ироқ фаромушам накун, фаромушам накун...” (“Ироқ сари йўлга чиқсанг мени унутма, мени унутма...”) мисраси билан бошланувчи бу ғазални Марофий Ироқ мақоми оҳангларига боғлайди. Ижодкор “Амали Тарона” номини берган бу асарини Соҳибқирон қулоғига етказиш борасида турли ҳажмдаги зангула (қўнғироқча)лардан ажойиб тарзда фойдаланган эди. Беназир санъаткор бу қўнғироқчаларни сарбоннинг розилиги билан карвондаги туяларга бир тартибда боғлаттириб чиқади. Бунда туяларнинг бир маромдаги юриши назарда тутилган. Филҳол, карвон ҳаракатга келгач қўнғироқчалардаги зарблардан “Амали Тарона” куйи садолана бошлайди. Табиийки, мусиқа моҳиятини чуқур англовчи улуғ Соҳибқирон қўнғироқчаларнинг муайян усулга йўғрилган оҳанглари мазмунига зийраклик билан ўз эътиборини қаратади. У масалага ойдинлик киритиш истагида, сарой мусиқачиларининг раҳбари Хожа Абдуллоҳ Ларийни ўзига чорлаб ундан зангулалар қандай куй тарататётганлигини сўрайди.

Шунда Хожа Абдуллоҳ Соҳибқирондан аввал бечора Абдулқодирни авф этишини сўрайди ва бу илтимоси қондирилгач “Амали Тарона” шеърини ўқиб беради. Шундан сўнг Амир Темур Марофийнинг содиқлигига тўла ишонч ҳосил қилиб, унга аввалгидай марҳаматлар кўрсата бошлаган экан.

## **ХУЛОСА**

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, санъат аҳлига меҳр-муруват кўрсатишда улуғ Соҳибқиронга эргашган Темурий ҳукмдорларининг маданий сиёсалари

ўлароқ санъат турлари равнақ топди, жаҳон маданиятида ўчмас из қолдирган кўплаб мусиқа устозлари ва мусиқашунос олимлар етишиб чиқди, мусиқанинг ижтимоий-маданий аҳамияти бекиёс юксалди. Бу ҳол ўзбек мусиқа санъатининг кейинги асрлардаги тадрижида ижобий натижалар омили бўлди.<sup>2</sup>

Пировардида, Ўн икки мақом тизими заминида шаклланган Бухоро Шашмақоми, Хоразм мақомлари ва Фарғона-Тошкент мақом йўллари бизгача бебаҳо маънавий мерос сифатида етиб келди. Мусиқий мерос баробарида ўтмиш илмий рисолаларига бўлган ижтимоий-маънавий эҳтиёж ҳам бугунги кунда тобора ортган. Жумладан, 1997 йили Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолайи мусиқий”си ўзбек тилида нашр юзини кўрди.

Амир Соҳибқирон даврида асос солинган яна бир анъана –“оламнинг турли тарафидан йиғилган тиллари ва кийимлари бир-бирларидан фарқли ҳар қайси мамлакат созандалари, ҳар бир иқлиминг санъат аҳллари” (“Зафарнома”) ўз расми билан куй ва айтим ижро этиш удумлари 1997 йилдан буён Самарқанд шахрида мунтазам ўtkазиб келинаётган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали мазмунида ўзига хос замонавий кўриниш касб этиб келмоқда.

## REFERENCES

1. Алишер Навоий. Асалар. 12 т. Мажолис ун-нафоис.(Нашрга тайёрловчи ва сўнг сўз муаллифи Суйима Фаниева. Муҳаррир Порсо Шамсиеv).12 т., Тошкент, F.Фулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1996; Тошкент – 1979 йил;
2. Бобур. З.М. Бобурнома.–Тошкент, “Ўқитувчи”,2008. по музыке Дервиша Али (XVII века).– Т., 1946.
3. Темур тузуклари.( Форсчадан Алихон Соғуний ва Ҳабибулло Кароматов таржимаси). – Тошкент, F.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991, .
4. Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1 жилд..
5. О.А.Иброҳимов; „Темурийлар даврида маком санъати”2019.
6. Adiljanovna, A. M., Nurullaevna, N. M., Abdumalikovna, Y. D., Sharobidinovich, M. J., Abdujalil Abduvalio'g'li, A., & Behzod Asqaralio'g'li, T. (2021). Academic Yunus Rajabi and His Scientific Heritage. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 9092-9100.
7. Achildiyeva, M., Xojimamatov, A., & Ikromova, F. (2022). Shashmaqom saboqlari: " Navo" maqomi xususida. *INTERNATIONAL JOURNAL FOR ENGINEERING AND MANAGEMENT RESEARCH*, 11(01), 55-58.

<sup>2</sup> (Абдураҳмон Жомий. Рисола-йи мусиқий. Форс тилидан Нафас Шодмон таржимаси, ЎзР ФА академиги Алибек Рустамий таҳрири остида. Т., 1997.).

8. Achildiyeva M, Ikromova F (2021) ABOUT MAHMUDJON TOJIBOYEVS PEDAGOGICAL ACTIVITY GALAXY INTERNATIONAL INTERDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL (GIIRJ) 9(5) 240-244
9. Achildiyeva M, Ikromova F (2021) TANBUR ONE OF ANCIENT INSTRUMENTS GALAXY INTERNATIONAL INTERDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL (GIIRJ) 9(6) 302-308
10. Achildiyeva M, Ikromova F (2022) CHOIR ART IN UZBEKISTAN BOTIR UMIDJONOV (EURASIAN JOURNAL OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES 7 54-56
11. Achildiyeva, M., & Ikromova, F. (2021). The third renaissance towards ascending. *EUROPEAN SCHOLAR JOURNAL “An open access, peer reviewed multidisciplinary journal*, 2(9), 17-20.
12. Achildiyeva M, Xojimamatov A, Yuldasheva D, Ikromova F (2021) Uyghur Folk Singing Genre Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry 12 (10) 3510-3515
13. Achildieva, M., & Ikromova, F. (2022). РЕЙНГОЛЬД ГЛИЭР ВА ТОЛИБЖОН СОДИҚОВНИНГ «ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН» ОПЕРАСИДА МАҚОМ ЙЎЛЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ. *Science and innovation*, 1(C4), 23-28.
14. Xojimamatov, A., & Ikromova, F. (2022). МУСИҚИЙ САҲНАВИЙ АСАРЛАРНИНГ ИЖРОЧИЛИК МУАММОЛАРИ (ЎЗБЕКИСТОН КОМПОЗИТОРЛАРИ ИЖОДИ МИСОЛИДА). *Science and innovation*, 1(C4), 29-33.
15. Ikromova, F. (2022). SHASHMAQOMDA TURKUM ASAR TARONALARI. *Science and innovation*, 1(C4), 34-37.
16. Hojimatov, A. (2022). CHANG CHOLG ‘USI TARIXIGA BIR NAZAR VA UNING ORNAMENTAL BEZAKLARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(10-2), 265-275.
17. Achildiyeva, M. (2022). SHASHMAQOM MUSHKILOT BO’LIMINING NAZARIY ASOSLARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(10-2), 344-352.
18. Achildieva, M., & Ikromova, F. (2020, December). THE PLACE OF UZBEK MUSIC IN THE ART. In *Archive of Conferences* (Vol. 10, No. 1, pp. 90-93).
19. Achildiyeva, M. (2022). SHASHMAQOM MUSHKILOT BO’LIMINING NAZARIY ASOSLARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(10-2), 344-352.